

SOME ASPECTS OF INNOVATIVE BUSINESS DEVELOPMENT

The article describes the objective need and some aspects of the innovative development of entrepreneurship. An analysis of the production of innovative products in Uzbekistan is presented. The role and importance of a favorable business environment, marketing and cluster in the innovative development of entrepreneurship are shown.

Key words: innovative economy, entrepreneurship, innovation, innovative entrepreneurship, business environment, marketing, cluster.

Entrepreneurship has been the driving force of economic growth in recent years. Today, more than 56 % of GDP is in the entrepreneurship sector, and more than 90 % of business entities are in the business sector. The sector has become a leading force in the national economy as a result of comprehensive state support for entrepreneurship, the creation of a favorable business environment, and the creation of a system of reliable protection and guarantee of private property rights.

In the conditions of today’s globalization and integration processes, innovative development of the economy is a priority in ensuring sustainable economic growth of the world and national economies.

In developed economies, 70-90 % of GDP is created due to the development of innovative activities. With the increasing importance of innovation in the economy, innovative development of entrepreneurship becomes an objective necessity. Because, through the development of innovative activity and innovative potential of entrepreneurship, comprehensive development of entrepreneurship and, ultimately, the competitiveness of the national economy will be ensured. Innovative entrepreneurship development refers to the integration of science and technology into entrepreneurial activities.

Innovation is a special tool of entrepreneurship. Innovative entrepreneurship is the process of producing new products through the use of innovative ideas, inventions and discoveries in production and service.

According to scholar Schumpeter, who laid the groundwork for innovation in economic science, “the precise innovation approach to economic activity determines the level of development of the economic system in each period. Also, the task of entrepreneurship is to reform and improve production by opening up new sources of raw materials or markets, using inventions to produce new goods or new products. The scientist predicts that revolutionary changes in the economy will occur through innovation and entrepreneurship”.

According to Drucker: “Entrepreneurship is the process of managing innovation, and entrepreneur is the person who maximizes every opportunity”. He emphasizes the economic basis of innovation in his scientific views and expresses the idea that entrepreneurship can create new services and businesses with the help of innovation.

Innovation provides the scientific, material and spiritual basis for moving from one stage of the socio-economic development of the society to the next. Through innovation, business methods, tools and tools are improved in business.

Today, an entrepreneur who actively implements modern systems of innovation and labor organization in their work will be able to move towards sustainable development and avoid the risk of crisis.

There are many directions and forms of innovative entrepreneurship or innovative development of entrepreneurship, and in the transition to a “knowledge-based economy”, the following are important:

- Favorable business environment;
- Marketing;
- Cluster.

One of the most important factors in shaping innovative entrepreneurship and ensuring its sustainable development is the favorable business environment. The business environment is a set of conditions for doing business and the factors that influence it.

The enterprise organizes innovative activity with the rational and effective use of the existing business environment; In a word, the business environment combines all the necessary conditions for the creation of innovative entrepreneurship.

The use of modern marketing technologies, including innovative marketing, is very important for the innovative development of entrepreneurship. Marketing is one of the key factors for the success of innovative products on the market.

Marketing support for the creation of new products is one of the most important challenges for innovative businesses. Practice shows that there is a high risk that innovative products will be marketed, in particular one-third of new products will not find their place in the market and they will suffer losses.

Creation of clusters in the innovative development of entrepreneurship, which is a qualitative factor of modern innovation and economic growth, improvement of their activities will ensure the efficiency of production and promote the development of innovative activities.

In summary, the role of innovative development in sustaining sustainable economic growth is extremely important. After all, innovative development provides for modernization, technical and technological renovation of the real sector of the economy, support for scientific and technical projects, and the interdependence of science and technology and production.

Ш.Ш.Болтаев – БухДУ катта ўқитувчиси
А.А.Рахматов – БухДУ талабаси

ТАДБИРКОРЛИКНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Мақолада тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва айрим жихатлари ёритилган. Ўзбекистонда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг таҳлили келтирилган. Тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда қулай бизнес муҳит, маркетинг ва кластерларнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатилган.

Калит сўзлар: инновацион иқтисодиёт, тадбиркорлик, инновация, инновацион тадбиркорлик, бизнес муҳит, маркетинг, кластер.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

В статье описывается объективная необходимость и некоторые аспекты инновационного развития предпринимательства. Представлен анализ производства инновационной продукции в Узбекистане. Показана роль и значение благоприятной бизнес-среды, маркетинга и кластера в инновационном развитии предпринимательства.

Ключевые слова: инновационная экономика, предпринимательство, инновация, инновационное предпринимательство, бизнес-среда, маркетинг, кластер.

Кириш

Мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тадбиркорлик асосий ўрин эгалламоқда. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизидан ортиғи тадбиркорлик соҳасида шаклланмоқда, хўжалик юритувчи субъектларнинг 90 фоиздан ортиғи тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Тадбиркорликни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитининг шаклланганлиги, хусусий мулк ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мазкур соҳа миллий иқтисодиётда етакчи кучга айланди.

Бугунги глобаллашув ҳамда интеграцион жараёнларнинг тобора ривожланиб бориши шароитида жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда. Иқтисодиётда инновацияларнинг аҳамияти тобора ортиб борар экан, тадбиркорликни инновацион ривожлантириш объектив зарурият касб этади. Чунки тадбиркорлик

инновацион фаоллиги ва инновацион салоҳиятининг ривожланиб бориши орқали тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама ривожланиб бориши ва пировард натижада эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлиши ҳам таъминланади. Тадбиркорликни инновацион ривожлантириш дейилганда, илмий-техник соҳанинг тадбиркорлик фаолиятида интеграциялашуви назарда тутилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” [1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ҳамда технопаркларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

“Билимларга асосланган иқтисодиёт” га ўтишнинг объектив зарурлиги ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, инновацион тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги кўринади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инновациялар – тадбиркорликнинг махсус қуроли бўлиб ҳисобланади. Инновацион тадбиркорлик - инновацион ғоялар, ихтиро ва кашфиётлардан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда амалий фойдаланиш орқали янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнидир.

Иқтисодий адабиётларда тадбиркорликни инновацион ривожлантириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, инновацион тадбиркорликни ташкил этиш йўналишлари ҳақида турли қарашлар мавжуд.

Жумладан, иқтисодий фанда инновациянинг мазмун-моҳиятини асослаб берган олим Й.Шумпетернинг фикрича: “иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув ҳар бир давр иқтисодий тизмининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Шунингдек, тадбиркорликнинг вазифаси янги

товарлар ёки эски товарлар янги услубда ишлаб чиқариш учун ихтиролардан фойдаланиб, янги хомашё ва материаллар манбалари ёки янги бозорлар очиб, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдан иборат. Олим инновациялар, тадбиркорлар туфайли иқтисодиётда инқилобий ўзгаришлар содир бўлишини башорат қилган” [3]. Й.Шумпетер муаллифлигидаги бошқа бир адабиётда “Тадбиркорларнинг вазифаси кашфиётлардан самарали фойдаланиш ёки яна ҳам чуқурроқ маънода таъкидласак, янги технологияларни ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, янги бозорларни забт этиш орқали ишлаб чиқаришда инқилобий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат” [4] дея қайд этилган.

П.Друкернинг фикрича: “тадбиркорлик инновацияни бошқариш жараёни бўлиб, тадбиркор эса ар бир имкониятдан максимал фойдаланувчи шахс” [5]. У ўзининг илмий қарашларида инновациянинг иқтисодий асосини таъкидлаб, тадбиркор инновациялар ёрдамида янги хизматлар ва бизнес турини амалга оширади деган фикрларни баён этган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Д.Расулова, И.Хотамов, Х.Асатуллаевлар муаллифлигидаги “Бизнесни тадқиқ этиш усуллари” ўқув кўлланмасида қуйидаги фикрлар келтирилган: “Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва кўламини ошириш билан характерланади. Жаҳон ва мамлакат миқёсидаги рақобатнинг кучайиши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади” [7].

Таҳлил ва натижалар

Инновациялар жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бир босқичидан етукроқ босқичга ўтишнинг илмий, моддий ва маънавий асосини яратиб беради. Инновациялар орқали тадбиркорлик фаолиятида ҳам ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш воситалари сифат ва миқдор жиҳатдан такомиллашади.

Бугунги кунда ўз фаолиятига инновациялар ва меҳнатни ташкил этишга замонавий тизимларни киритиб, амалиётга татбиқ этиб борадиган фаол тадбиркоргина барқарор ривожланиш сари одимлаб, инқирозга учраш хавфидан холи бўлади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолитини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий фаолиятдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз” [1].

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришга

қаратилган изчил чора-тадбирлар натижасида инновацион маҳсулотлар ҳажми ҳам тобора ортиб бормоқда.

1-жадвал


2014-2018 йилларда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ва инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми [9]

Кўрсаткичлар	2014-й.	2015-й.	2016-й.	2017-й.	2018-й.
Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми, млрд.сўм	7043	8023,6	10688,2	18543,3	28871,5
Инновацияларга қилинган харажатлар, млрд.сўм	3757,4	5528,3	2571,4	4162,3	4707,2

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2014-йилда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми 7043 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2016-йилда 10688,2 млрд.сўм ва 2018-йилда эса 2014-йилга нисбатан 4 баробарга ошиб, 28871,5 млрд.сўмни ташкил этган.

Инновацион тадбиркорликни шакллантириш ёки тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг кўплаб йўналиш ва шакллари мавжуд бўлиб, “билимларга асосланган иқтисодиёт” га ўтиш шароитида қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- Қулай бизнес муҳит;
- Маркетинг;
- Кластер.



1-расм. Тадбиркорликни инновацион ривожлантириш омиллари

Инновацион тадбиркорликни шакллантириб, уннинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга омилларнинг биринчиси - бу қулай бизнес (тадбиркорлик) муҳити бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик муҳити - тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитлари ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг йиғиндисидир.

Корхона мавжуд бизнес муҳитдан оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда инновацион фаолиятни ташкил этади, корхона бизнес муҳитнинг стратегик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг келажак стратегиясини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бир сўз билан айтганда, бизнес муҳити инновацион тадбиркорликни ташкил этиш учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни ўзида бирлаштиради.

Қулай бизнес муҳити инновацион тадбиркорликка корхонада инновацияларни жорий этишни тезлаштириш ҳамда мавжуд захираларни ишга тушириш, корхонада инновацион ғояларни амалга ошириш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид ички ва ташқи ҳамкорлар билан шартномалар тузиш ва бошқа имкониятларни беради.

Тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда замонавий маркетинг технологияларидан фойдаланиш, жумладан инновацион маркетинг ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки маркетинг бозорда инновацион маҳсулотларнинг муваффақиятини таъминлаб берувчи асосий омиллардан биридир.

Янги маҳсулотлар яратиш жараёнини маркетинг орқали қўллаб-қувватлашни ташкил этиш инновацион тадбиркорлик субъектларининг энг муҳим муаммоларидан бири саналади. Амалиётнинг кўрсатишича, инновацион маҳсулотларни бозорга чиқариш хавфи ўта юқори бўлиб, хусусан янги маҳсулотларнинг учдан бир қисми бозорда ўз ўрнини топа олмайди ва даромаднинг ўрнига улар зарар келтиради. Бозорга янги маҳсулотларни киритишнинг ўзига хослиги, аynи пайтда маҳсулотларнинг ўзига хослиги ва шу билан бир қаторда бозорнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ. Бозорнинг ўзига хослигини, уни қисмларга бўлиб таҳлил қилиш, янги ғояларни излаб топиш, реал истеъмолчиларининг янги товар ва хизматларга бўлган реал эҳтиёжларини аниқлаш, тўғри реклама компаниясидан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларни янги маҳсулотлар тўғрисида хабардор қилиш маркетингнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Зеро, “иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада самарадорликни ва рақобатбардошликни таъминлай олмаётган ҳозирги даврда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш янги иқтисодий тузилма “кластер” ларни жорий этишни тақозо этади”[8].

Тадбиркорликни инновацион ривожлантиришда замонавий инновация ва иқтисодий ўсишнинг сифат омили ҳисобланган кластерлар ташкил этиш, улар фаолиятини такомиллаштириш ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таъминлайди ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришга ёрдам беради.

Хориж тажрибасидан ҳам тадбиркорлик фаолиятининг кўзланган мақсадларга эришишида кластер механизмидан фойдаланишни кўриш мумкин. Масалан, Италиядаги тадбиркорлик субъектлари битта тармоқ ёки бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш атрафида ихтисослашуви билан машхурдир. Бундай ташкилий шаклдаги кластерларда бирлашган кичик корхоналардан бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини амалга оширса, колганлари технологик жараён учун масъул бўлади. Натижада эса, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш муаммоси атрафлича хал бўлади ҳамда ишлаб чиқариш хажмининг кенгайишига эришилади. Шу сабабли, Италия дунёдаги кластерлаш бўйича машхур мамлакатлардан бири саналади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишнинг аҳамияти ниҳоятда юқори. Зеро, инновацион ривожланиш иқтисодиётнинг реал секторини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илмий-техник лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, фан ва технологиялар ҳамда ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлайди.

Тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини инновацион ривожлантиришда ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартлар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Зеро, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш бўйича тизимли чора-тадбирларни ва тадбиркорлик субъектларини инновацион кластерларга киришини таъминловчи ташкилий-услугий тадбирларни амалга ошириш ҳамда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш тадбиркорликни инновацион ривожлантиришнинг бирламчи вазифаларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б. 23.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони // “Халқ сўзи”. 2017 йил 8 феврал.
3. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс. 1983. С. 278-285.
4. Шумпетер Й.А. Капитализм, социализм и демократия. М.: Экономика. 1995. С. 183-184.
5. Друкер П. Рынок: как выйти в дилеры. Практика и принципы. М.: 1992.
6. Ҳамроев Ҳ.Р. Тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: 2010.
7. Расулова Д., Хотамов И., Асатуллаев Х. Бизнесни тадқиқ этиш усуллари. Ўқув қўлланма. Т.: 2019.

8. Жўраев Т.Т., Ҳамидов М.Э. “Ўзбекистонда агросаноат кластерларини ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, 2019 й.
9. www.stat.uz маълумотлари.